
ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДАНҒАРА ТУМАН КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚИРҚ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Сессия ишида туман Кенгаши депутатлари, сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессияни халқ депутатлари туман Кенгашининг раиси Ш.Тожихакимов очди ва олиб борди.

2021 йилнинг 12 ойи давомида Данғара туманида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилган ишлар ҳамда чора-тадбирлар натижалари юзасидан туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий маърифий ишлар бўйича ўринбосари Уринова Шахноза Эгамбердиевнанинг ахбороти эшитилди.

Сессия кун тартибига киритилган 2021 йилнинг 12 ойи давомида амалга оширилган ишлар ҳамда чора тадбирлари тўғрисида туман Тиббиёт бирлашмаси раҳбари Жуманов Анваржон Азимжонович, Туман Халқ таълими бўли бошлиғи Содиқов Алимардон Абдухолиқович ҳамда туман Мактабгача таълим бўлими раҳбари Рахмонова Гулчехра Назировна ҳисобот бериб ўтди.

Шунингдек сессия кунтартибига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессия якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ахборот берувчилар туман ҳокимлигининг ахборот хизмати томонидан "Facebook" ижтимоий канали орқали жонли эфир қилинди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2022-02-17 17:10:08